

Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

2024 ЙИЛ — ЁШЛАР ВА БИЗНЕСНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2024 йил 22 октябрь, № 215 (8838) Сешанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ИСТИҚБОЛЛИ ЛОЙИҲАЛАР ИЖРОСИ ЭКОЛОГИК ВАЗИЯТНИ ЯХШИЛАШГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 21 октябрь куни Марказий Осиё атроф-муҳит ва иқлим ўзгаришини ўрганиш университети – «Green University»да бўлди.



Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати сурати.

Илгари бу соҳада яхлит олий таълим даргоҳи йўқ эди. Давлатимиз раҳбарининг 2023 йил 31 майдаги қарори асосида ташкил этилган мазкур университетда замонавий экологик йўналишлар қамраб олинди.

“Ўзбекистон — 2030” стратегияси доирасида мамлакатимизда БМТнинг Барқарор ривожланиш мақсадларига эришиш чоралари кўрилмоқда. Маълумки, бу иқлим ўзгаришлари, сув ва энергетика софлиги, соғлиқ, таълим, истеъмол ва ишлаб чиқариш каби 17 та фаровонлик вазифасини қамраб олган бўлиб, улар кўп жиҳатдан кадрлар малакасига боғлиқ. Шу боис университетда атроф-муҳит ва барқарор бошқарув, атроф-муҳит ва иқтисодиёт, экология ва давлат бошқаруви, барқарор ривожланиш, барқарор молия, экология ҳуқуқи, атроф-муҳит соҳасида оммавий коммуникациялар йўналишлари очилган.

450 ўринга мўлжалланган ўқув биноси таъмирланиб, замонавий шароитлар яратилган. Хоналар соҳага доир анжомлар, компьютерлар ва сунъий интеллект ускуналари билан жиҳозланган. Таълим инглиз тилида олиб борилади. Бунинг учун АҚШ, Буюк Британия, Мексика ва Франциядан чет эллик ўқитувчилар ҳам жалб этилган.

Президент университет мутахассислари ва талабалари билан суҳбатлашди.

— Ҳозир экология худди рақамли технологиялардек долзарб. Келажакда ҳамма соҳа атроф-муҳит билан ҳамоҳанг бўлади. Шунинг учун бу ерда экологик иқтисодиёт, молия, ҳуқуқ каби йўналишлар ташкил этилди. Энди дуал таълимни кенгайтириб, бу ердаги билимларни тезроқ жойларда татбиқ қилиш керак, — деди Шавкат Мирзиёев.

Мутасаддиларга экология соҳасида қуйи бўғин кадрларини тайёрлаш бўйича Қорақалпоғистон ва ҳар бир вилоятда техникумлар ташкил этиш бўйича топшириқлар берилди.

Университетда хорижий олий таълим ташкилотлари билан академик ва касбий тажриба алмашиш йўлга қўйилган. Ўқув дастурлари улар билан ҳамкорликда, “фан — таълим — ишлаб чиқариш интеграцияси” тамойили асосида ишлаб чиқилган.

Замонавий лаборатория талабаларни илмга жалб этиш, тажрибасини оширишда муҳим омил бўлмоқда. Унда ер, сув, биохилмахиллик ва чиқинди намуналари ҳар хил муҳитда текширилиб, илмий хулосалар берилади.

Давлатимиз раҳбари ушбу лабораторияни ҳам кўздан кечирди.

— Бу ерда илмий салоҳият, зарур ускуналар бор. Бундан самарали фойдаланиш керак. Масалан, ер-сув шароитлари оғир туманлар бўйича шартнома асосида таҳлиллар ўтказиш мумкин. Бу икки томонлама манфаатли бўлади, — деди Президент.

Муассасада фанлараро тадқиқотлар қилиш, инновацион педагогик услуб ва технологияларни ишлаб чиқиш, илмий тадқиқот ва амалий билимларни интеграция қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўқув жараёни “Hub and Spoke” тамойили асосида ташкил этилган. Бу яхлит ўқув тизимини яратиш, ресурсларни оптималлаштириш, талабалар ва мутахассисларнинг ҳаракатчанлигини ошириш каби жиҳатлар билан ажралиб туради.

(Давоми 2-бетда).

ЯШИЛ ҲУДУДЛАРНИ КЕНГАЙТИРИШГА ОИД УСТУВОР ВАЗИФАЛАР МУҲОКАМАСИ

Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 21 октябрь куни «Яшил макон» умуммиллий лойиҳаси доирасидаги ишлар натижадорлиги ва келгусидаги устувор вазифалар муҳокамаси юзасидан видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Мамлакатимизда ҳар йили 200 миллион туп дарахт ва бута экиб, яшиллик миқёсини 2030 йилгача 30 фоизга етказиш мақсади белгиланган. Сўнгги йилларда бу кўрсаткич 12 фоизга етди.

Бу йил баҳорда 138 миллион дона кўчат экилди. Йил бошидан буён 10 минг гектардан зиёд “яшил белбоғ”, вазирлик ва ҳокимликлар 257 та боғ барпо қилди. Оролбўйида яшил қоплама 2 миллион гектардан ошди.

Жорий йилдан бошлаб йўл, дарё ва каналларга туташ 2 минг гектар ер 10 минг аҳоли ва тадбиркорларга экиш учун ижарага берилди. “Менинг боғим” лойиҳаси доирасида бюджетдан 49 миллиард сўм ажратилиб, маҳаллаларда 215 та янги боғ яратиляпти.

Бу саъй-ҳаракатлар Табиатни муҳофаза қилиш халқаро иттифоқи, Чўлланишга қарши курашиш конвенцияси ижро органи томонидан ҳам эътироф этилмоқда.

Лекин айрим жойларда шундай хайрли ишда сусткашликка йўл қўйилгани афсусланарли. Баъзи туманларда суғориш тизими йўқ ерга кўчат ўтқазилган ёки кесилган дарахтлар ўрнига янгилари экилмаган.

Йиғилишда ҳозирги мавсум ва келгуси йилга мўлжалланган вазифалар белгилаб олинди.

Аввало, юртимиз иқлимига мос кўчатларни кўпайтириш лозимлиги таъкидланди. Хусусан, Фанлар академияси, экология, қишлоқ, сув ва ўрмон хўжалиги, карантин тизимидаги илмий-тадқиқот ташкилотлари, олий ўқув юртлари, In-vitro лабораториялари билан самарали ишланса, уруғ ва кўчат етиштиришдан 2-3 баробар кўп даромад топиш мумкин. Илм ҳам ривожланади.

Кейинги йил Нукус, Арнасой, Қорақўл ва Муборак туманларида сувсизлик ва шўрга чидамли галофит ўсимлигидан иборат 4 та боғ барпо қилинади. Шунингдек, Қорақалпоғистон, Бухоро, Жиззах, Навоий, Қашқадарё, Сурхондарё, Хоразмнинг 250 минг гектар чўлида сув талаб этмайдиган саксовул, қандим, черкез уруғлари дрон билан экилади.

(Давоми 2-бетда).

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИГА БАЙРАМ ТАБРИГИ

Қадрли ватандошлар!

Сизларни, сизлар орқали бутун халқимизни, она тилимизнинг барча ихлосмандларини бугунги улуғ айём — Ўзбек тили байрами ҳамда ўзбек тилига давлат тили мақоми берилганининг 35 йиллиги билан чин қалбимдан муборакбод этаман.

Маълумки, миллий тил ҳар бир маданий халқнинг тарихи ва ўзлигини, руҳий-маънавий дунёсини ўзида акс эттирадиган тенгсиз бойликдир. Қадимий тарихимизнинг энг оғир ва синовли даврларида ҳам бизни ягона халқ сифатида бирлаштириб, азалий қадриятларимизни асрлар оша безавол сақлаб келаётган она тилимизни ҳар қанча ардоқласак, улуғласак арзийди.

Бугунги кунда юртимизда давлат тилини ривожлантириш, унинг нуфузи ва мавқеини ошириш, халқаро миқёсда кенг тарғиб этишга қаратилган катта ишлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, кейинги йилларда кўплаб идоравий ҳужжатлар давлат тилига ўтказилди, 100 мингдан ортиқ географик объектнинг номи давлат реестрига киритилди, ҳудудлардаги 150 мингдан зиёд ташқи ёзувлар давлат тили ва реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқлаштирилди.

Янги пайдо бўлаётган замонавий тушунчаларга ном бериш, сўз ва атамаларни расмий истеъмолга киритишни тизимли йўлга қўйиш учун Атамалар комиссиясининг фаолияти тубдан такомиллаштирилди, бу борада аниқ илмий мезонлар ишлаб чиқилди.

Ўтган йилдан эътиборан меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини лингвистик экспертизадан ўтказиш тизими яратилгани тегишли ҳужжатларнинг давлат тили талабларига мос ва услубий жиҳатдан пухта тайёрланишига хизмат қилмоқда.

Раҳбарлик лавозимларига номзодларнинг ўзбек тили бўйича билим даражасини аниқлаш мақсадида миллий тест тизими жорий этилиб, қисқа вақт ичида 3 мингдан зиёд талабгорнинг қарийб 1 минг 500 нафарига давлат тилини билиш бўйича сертификатлар берилди.

Давлат тили асосларини чуқур ва атрофлича ўрганишни таъминлаш учун Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбек тилини ривожлантириш жамғармаси томонидан 58 номдаги қомус, луғат ва қўлланмалар кўп минг нусхаларда чоп этилди.

Айниқса, кейинги йилларда ўзбек тилини рақамлаштириш борасида жиддий натижаларга эришилмоқда. Ўзбекча матнларни сунъий интеллект ёрдамида қайта ишлаш ва ўзбек тилида мулоқот қилишга мўлжалланган “ақлли” дастур ишлаб чиқилиб, “Ўзбек тили изоҳли луғати”нинг веб-сайти яратилди.

Айни пайтда ўзбек тилидаги матнларни таҳрир қилиш, уларни лотин ва кирилл ёзувига ўгириш ва сўзларнинг луғавий маъносини кўрсатишга мўлжалланган электрон дастурлар ҳам амалиётда фаол қўлланмоқда.

2025 йил 1 январдан бошлаб умумтаълим мактабларида миллий сертификатга эга бўлган ўзбек тили ўқитувчиларига маошининг 50 фоизи миқдорида ойлик устама ҳақ тўланиши она тилимиз фидойиларининг шарафли меҳнатини рағбатлантиришга хизмат қилиши шубҳасиз.

Барчамизга аёнки, бадиий таржима тил тараққиётида улкан аҳамиятга эга. Яқинда мамлакатимизда бадиий таржима соҳасида Муҳаммад Ризо Огаҳий номидаги халқаро мукофот таъсис этилгани ҳам, ишонамизки, ўзбек тили ва адабиётини янада бойитиш ва дунёга кенг тарғиб этишда муҳим омил бўлади.

Ёшлар ишлари агентлиги томонидан ватанпарвар ўғил-қизларимизнинг салоҳияти ёрдамида “Википедия” халқаро интернет энциклопедиясидаги ўзбекча маълумотлар ҳажми кескин кўпайиб, давлат тилида эълон қилинаётган мақолалар ҳажми бўйича Ўзбекистон Марказий Осиё минтақасида етакчи мамлакатга айлангани эътиборлидир.

Ўтган даврда Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети ҳузуридаги Давлат тилида иш юритиш асосларини ўқитиш ва малака ошириш марказида турли ташкилот ва идораларда меҳнат қилаётган 33 мингдан ортиқ ходим ўқитилди. Шунингдек, ўзбек тилини ўрганиш истагида бўлган ватандошларимиз учун ушбу марказ ва унинг ҳудудий бўлимларида бепул ўқув курслари йўлга қўйилди.

Шу ўринда бағрикенг диёримизда аҳиллиноқ яшаб келаётган 130 дан зиёд миллат ва элат вакилларининг тили, анъана ва қадриятларини асраб-авайлаш бўйича ҳам муҳим ишлар амалга оширилаётганини алоҳида таъкидламоқчиман. Жумладан, республикамиз мактабларида таълим-тарбия жараёни 7 та тилда йўлга қўйилган бўлиб, 160 га яқин миллий маданий марказ ҳамда қорақалпоқ, рус, қозоқ, қирғиз, тожик, туркман тилларидаги оммавий ахборот воситалари фаолият кўрсатмоқда.

Марказий телерадиоканаллар орқали ўзбек тилини ўрганишга бағишланган кўрсатув ва эшиттиришларнинг мунтазам бериб борилаётгани юртимизда яшаётган бошқа миллат вакилларининг давлат тилини ўзлаштиришига катта ҳисса қўшмоқда.

Азиз дўстлар!

Ўзбек тилининг беқиёс имкониятларини юзага чиқариш, унинг жаҳон миқёсида нуфузи ва жозибадорлигини ошириш учун ҳали олдимизда кўплаб вазифалар турибди.

Аввало, юксак тараққий этган демократик давлатларда бўлгани каби давлат тили бутун жамиятни, тили ва миллатидан қатъи назар, барча фуқароларни ягона халқ сифатида бирлаштиришга хизмат қилиши зарур. Бу борада ҳар қандай халқ учун ўта ҳассос ва таъсирчан бўлган тил масаласида ортиқча эҳтирос ва ҳиссиётларга берилмасдан, узоқни ўйлаб, вазминлик билан иш тутиш кераклигини ҳаммамиз яхши англаймиз.

Зеро, давлат тили фақатгина соҳа мутахассисларининг эмас, балки кўп миллатли бутун халқимизнинг биргаликдаги саъй-ҳаракатлари, ақл-заковати, маънавий-маърифий салоҳияти, ватанпарварлик фазилатлари билан равнақ топади.

Мамлакатимизда қонунга ҳурмат ва итоат муҳитини таъминлаш, жумладан, “Давлат тили тўғрисида”ги Қонунни ҳаётимизга изчил татбиқ қилишда барчамиз юксак маданият ва ўзаро бир-бирини англаш туйғусини намоён этишимиз лозим.

Бу борада барча таълим муассасаларида ўзбек тили ва адабиёти фанларини ўқитиш тизимини янада такомиллаштириш орқали таълим сифатини оширишга эришиш муҳим аҳамиятга эга.

Телерадиоканаллар ва интернет сайтларида давлат тилини ўрганишга ёрдам берадиган дастурларнинг сони ва эфир вақтларини кўпайтириш, мустақил тил ўрганувчилар учун қўшимча адабиётлар, луғат ва қўлланмалар нашр этиш доимий эътиборимиз марказида бўлади.

Рақамли маконда давлат тилини кенг жорий этишга мўлжалланган ишларни янги босқичга кўтариш, ўзбек тилини ахборот технологиялари соҳасидаги йирик дастурлар тили қаторига киритиш чораларини кўриш ҳам долзарб вазифамиз бўлиб қолади.

Муҳтарам юртдошлар!

Сизларни бугунги қутлуғ байрам билан яна бир бор табриклаб, барчангизга мустаҳкам соғлиқ, ишларингизда янги ютуқлар, хонадонларингизга тинчлик ва фаровонлик тилайман.

Ўзбек тилимизнинг бойлиги, куч-қудрати янада зиёда бўлсин!

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

Халқимизнинг тарихи ва ўзлиги, руҳий-маънавий дунёсини акс эттирадиган тенгсиз бойлик

Мамлакатимизда 21 октябрь — Ўзбек тили байрами куни кенг нишонланди

Эрта тонгданоқ пойтахтимизда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси, Вазирлар Маҳкамаси вакиллари, турли вазирлик ва идоралар, ташкилот мутасаддилари, ёзувчи ва шоирлар, олимлар, талаба-ёшлар ўз ижоди ва фаолияти орқали она тилимизни шоҳсупага кўтарган, унинг бор имконият ва жозибасини дунёга кўрсата билган Алишер Навоий ҳайкали пойига гуллар қўйди.

Асосий байрам тадбири пойтахтимиздаги “Ўзбекистон” халқаро анжуманлар саройида бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбек тили байрами куни муносабати билан халқимизга йўллаган байрам табригини Президент маслаҳатчиси Хайриддин Султонов ўқиб эшиттирди.

Табрикда таъкидланганидек, миллий тил ҳар бир маданий халқнинг тарихи ва ўзлигини, руҳий-маънавий дунёсини ўзида акс эттирадиган тенгсиз бойликдир. Қадимий тарихимизнинг энг оғир ва синовли даврларида ҳам бизни ягона халқ сифатида бирлаштириб, азалий қадриятларимизни асрлар оша безавол сақлаб келаётган она тилимизни ҳар қанча ардоқласак, улуғласак арзийди.

Кейинги йилларда янги Ўзбекистонни ҳар томонлама тараққий эттириш, Учинчи юксалиш даври пойдеворини яратишга қаратилган тарихий ислоҳотлар жараёнида ўзбек тилини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Юртбошимиз ташаббуси билан 21 октябрь — Ўзбек тили байрами куни этиб белгиланган нафақат халқимизнинг ғурур-ифтихорини кўтарадиган тарихий воқелик, айни пайтда давлатимиз тил сиёсатида тамомила янги давр бошланганидан далолат беради.

2

Давлат тилига эҳтиром ва садоқатни ҳаётимиз қоидасига айлантиришимиз лозим

Она тилимиз миллий маънавиятимизнинг битмас-туганмас булоғи бўлиб, уни севмаган, англамаган инсон баркамол саналмайди. Биргина тил кўплаб халқларни ўзаро бирлаштиради, тарбиялайди, ўқитади, урф-одат, анъана ва маданиятларини сақлайди, уларнинг авлоддан-авлодга ўтишини таъминлайди.

Президентимиз раҳбарлигида давлат тилига муносабат янгиланди. Қисқа даврда мамлакатимизда ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги мақоми ва обрў-эътиборини тубдан ошириш бўйича муайян ишлар амалга оширилди. Хусусан, давлатимиз раҳбарининг “Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони том маънода ушбу соҳани янги босқичга олиб чиқди.

4

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

Тадбиркорлик субъектлари томонидан ҳисоботларни давлат органларига тақдим этиш жараёнлари соддалаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 241^{10}-моддасига ўзгартириш киритиш ҳақида

Қонунчилик палатаси томонидан 2024 йил 16 июлда қабул қилинган
Сенат томонидан 2024 йил 21 сентябрда маъқулланган

Мамлакатимизда ҳисоботларни ва статистика маълумотларини давлат органларига тақдим этиш жараёнларини соддалаштириш орқали бизнесга нисбатан маъмурий юкни камайтириш юзасидан комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга тадбиркорлик субъектларидан қонунчиликда назарда тутилмаган статистика, молия, солиқ ҳисоботини ва бошқа ҳисоботларни давлат органлари томонидан талаб қилиб олиш каби ҳуқуқбузарликларни қайта кўриб чиқиш зарурияти юзага келмоқда.

Мазкур Қонун билан Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига Тадбиркорлик субъектлари томонидан давлат органларига тақдим этиладиган ҳисобот ва статистика маълумотларининг ягона рўйхатига киритилмаган ҳисоботларни тадбиркорлик субъектларидан талаб қилиб олганлик учун жавобгарлик белгиланишини назарда тутувчи ўзгартириш киритилмоқда.

Ушбу Қонун давлат органларининг ҳисоботларни талаб қилиб олиш борасидаги масъулиятини оширишга ва тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун қулай шарт-шароитлар яратишга хизмат қилади.

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг эллик тўққизинчи ялпи мажлиси очилиши тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг эллик тўққизинчи ялпи мажлиси 2024 йил 23 октябрь куни соат 10:00 да Тошкент шаҳрида Олий Мажлис Сенатининг мажлислар залида ўз ишини бошлайди.

Ялпи мажлис Сенатнинг “YouTube” тармоғидаги саҳифаси орқали тўғридан-тўғри ёритиб борилади.

САЙЛОВ — 2024

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайловлар бўйича сайлов кампанияси доирасида сиёсий партияларнинг сайловолди ташвиқоти давом этмоқда. Бугунги сонда Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг «Биз биргаликда катта кучмиз!» ҳамда «Миллий тикланиш» демократик партиясининг «Биз бирмиз, ўзбекистонликмиз!» сарлавҳали материаллари эълон қилинмоқда.

3-саҳифага қаранг.

Халқ сўзи
www.xs.uz /xalqsuzi.uz @xs_uz
2024 йил 22 октябрь

ИСТИҚБОЛЛИ ЛОЙИҲАЛАР ИЖРОСИ ЭКОЛОГИК ВАЗИЯТНИ ЯХШИЛАШГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Университетнинг имкониятларини кенгайтириш учун келгусида пойтахтимизнинг Юнусобод туманидаги ҳамда Тошкент вилоятининг Бўстонлиқ туманидаги собиқ коллежлар бинолари таъмирланиб, кампусга айлантирилиши режалаштирилган.

Шундан сўнг давлатимиз раҳбари маиший чиқиндиларни қайта ишлаш, улардан электр энергияси ва маҳсулот ишлаб чиқариш лойиҳалари тақдимоти билан танишди.

Юртимизда йилига 14 миллион тонна чиқиндилар ҳосил бўлади. Лекин уларнинг атиги 4-5 фоизи қайта ишланади. Чиқинди полигонларидан 7 миллион тоннадан зиёд “иссиқхона газлари” атмосферага чиқади, 43 минг тонна заҳарли фильтратлар ер остига сингади.

Чиқиндиларни қайта ишлаш орқали ҳам унинг табиатга таъсирини камайтириш, ҳам фойда олиш мумкин. Шу мақсадда Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги томонидан хорижий инвесторлар билан ҳамкорликда қатор лойиҳалар ишлаб чиқилган. Қарийб 1 миллиард 300 миллион долларлик инвестицияларни жалб этган ҳолда 8 та чиқинди ёқиш заводи қуриш ҳамда Оҳангарон полигонида чиқинди газини қайта ишлаш режалаштирилган.

Масалан, Хитойнинг “CAMC Engineering” компаниясининг 350 миллион доллар тўғридан-тўғри инвестицияси ҳисобидан Андижон ва Тошкент вилоятларида 2 та завод барпо этилади. Уларда кунига 4 минг тонна чиқинди қайта ишланиб, йилига 630 миллион киловатт-соат электр энергияси ишлаб чиқарилади.

Бу соҳага Хитойнинг бошқа бир компанияси — “Shanghai SUS Environment” ҳам қизиқиш билдирган. У 310 миллион доллар тўғридан-тўғри инвестиция киритиб, Самарқанд ва Қашқадарё вилоятларида 2 та завод қуришни режалаштирган. Уларда кунига 3 минг тонна чиқинди қайта ишланиб, йилига 480 миллион киловатт-соат электр энергияси олинади.

Бирлашган Араб Амирликларининг “Tadweer Group” компаниясининг 200 миллион доллар маблағи эвазига Бухоро ва Навоий вилоятлари учун битта завод қурилади. Унда кунига 1 минг 500 тонна чиқиндини қайта ишлаш ва йилига 363 миллион киловатт-соат электр энергияси ишлаб чиқариш қуввати яратилади.

Корея Республикасининг “Sejin” компанияси иштирокидаги лойиҳа ҳам жуда муҳим. Унга кўра 55 миллион доллар эвазига Тошкент вилоятининг Оҳангарон туманидаги маиший чиқинди полигонида ҳосил бўладиган газдан муқобил электр энергияси олиш йўлга қўйилади. Унинг қуввати 16 мегаватт бўлиши кўзда тутилган.

Умуман, лойиҳалар натижасида қаттиқ маиший чиқиндилардан оқилона фойдаланиш таъминланади. Йилига 4,7 миллион тоннадан ортиқ чиқинди ёқилиб, 2 миллиард 100 миллион киловатт-соат электр энергияси ишлаб чиқарилади. 97 миллион АҚШ доллари қийматидаги электр энергияси сотилади. Шунингдек, булар орқали 152 миллион метр куб табиий газ иқтисод қилинади ҳамда 2,4 миллион тонна “иссиқхона газлари” камаяди. 1 минг 200 та иш ўрни яратилади.

Лойиҳалар 2025 — 2027 йилларда Андижон, Бухоро, Жиззах, Қашқадарё, Навоий, Наманган, Самарқанд, Сирдарё, Фарғона, Тошкент вилоятлари ва Тошкент шаҳрида амалга оширилиши режалаштирилган.

Давлатимиз раҳбари лойиҳаларнинг ижтимоий аҳамиятига алоҳида урғу берди.

— Булар шунчаки завод эмас, ҳаётмамотимизни ҳал қиладиган масалалардан бири. Ер-сувларимизнинг яроқлилиги ҳам, аҳоли саломатлиги ҳам, ҳаво тозалигию энергетика барқарорлиги ҳам шу соҳага боғлиқ. Чиқиндилар тўғри тўпланиб, кўпроқ қайта ишланса экологик мувозанат яхшиланади, табиат тоза бўлади, жамият ўзгаради, — дея таъкидлади Шавкат Мирзиёев.

Шу боис мутасаддиларга бу лойиҳаларни намунавий қилиб, ҳудудларда кўпайтириш бўйича кўрсатма берилди.

Ҳозир инвесторлар, ишлаб чиқарувчилар, биринчи навбатда, корхонасининг энергия таъминотини ўйлайди. Шунинг учун чиқиндини қайта ишлаш заводлари яқинида қурилиш материаллари, органик ўғитлар каби янги корхоналарни жойлаштириш мақсадга мувофиқлиги қайд этилди. Бу тадбиркор учун ҳам, инвестор учун ҳам манфаатли бўлади.

Барча ҳудудда бундай лойиҳаларни кўпайтириш ва мутаносиб ривожлантириш бўйича “Йўл харитаси” ишлаб чиқиш вазифаси қўйилди.

Мамлакатимизда бу соҳа изчил такомиллаштириб келинмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг шу йил 26 сентябрдаги Фармони билан Чиқиндиларни бошқариш ва циркуляр иқтисодиётни ривожлантириш агентлиги ташкил этилди.

Агентлик чиқиндиларни тўплаш, саралаш, зарарсизлантириш, қайта ишлаш, ёқиш, утилизация қилиш ва уларни йўқ қилишнинг замонавий усулларини жорий этиш билан шуғулланади. Бу соҳада циркуляр иқтисодиётни ривожлантириш ҳисобига экологик вазият барқарорлашади, санитар ҳолат яхшиланади, аҳолига хавфли касалликлар юқиши камаяди. Чиқиндилар қайта ишланиб, муқобил энергия, хомашё ва органик ўғит олинади. Мавжуд чиқинди полигонлари ҳудудида экосаноат зоналари ташкил этилади.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,
Икром АВВАЛБОЕВ,
ЎзА мухбирлари.

ЯШИЛ ҲУДУДЛАРНИ КЕНГАЙТИРИШГА ОИД УСТУВОР ВАЗИФАЛАР МУҲОКАМАСИ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Баҳор мавсумидан ўрмон хўжаликларида соғлом оналик плантациясини танлаш орқали йилига 1,5 минг тонна уруғ тайёрланади. Жанубий Корея тажрибаси бўйича сувсизликка чидамли, иқлим шароитига мос ёпиқ илдизли контейнер ва In-vitro усулида 2 миллион кўчат олиш йўлга қўйилади. Маҳмуд Мирзаев номидаги институтнинг Самарқанд, Хоразм, Тошкент ва Фарғона водийсидаги ерларида йилига 10 миллион дона мевали ниҳол етиштирилади.

Кўчат экиш ишларини ҳам уюшқоқлик билан ташкил этиш имкониятлари кўрсатиб ўтилди.

Бунда катта куч маҳаллаларда. Яшиллик, ободлик ҳам, аввало, одамларнинг ўзига керак. Шу боис “маҳалла еттилиги” вакиллари ўзига бириктирилган кўчаларда 100 тупдан жами 6 миллион дона манзарали дарахт ўстиради. Шунингдек, бошқа кўчалар, бўш майдонлар ва кўп қаватли уйлар атрофида 3 миллион туп кўчат экилади. Умуман, маҳаллаларда 20 миллион дона манзарали ва мевали дарахт экса бўлади.

Ўрмон хўжалиги агентлигига барча маҳаллаларда ярмарка ташкил қилиб, 30 миллионта кўчат етказиб бериш вазифаси қўйилди. 20 мингдан зиёд таълим масканлари ва шифохоналар ҳудудида 2,5 миллионта, ёшларга бўлиб берилган 60 минг гектар ерда 1,5 миллионта дарахт экиш мумкинлиги айтилди.

Ҳокимликлар ва вазирликлар томонидан кузда 40 миллион туп кўчат экилиши режалаштирилган.

Хусусан, 13 та халқаро автомобиль йўли бўйида 9 миллион туп кўчат экилади. Яна 2 минг километр йўллар ёқаси шу мақсадда 10 минг фуқаро ва тадбиркорларга бўлиб берилади. Тошкент — Самарқанд ва Самарқанд — Қарши темир йўли бўйларига ҳам кўчат ўтқазилади. Дала четларида 21 миллион туп терак, тут ва узум етиштирилади.

Мудофаа вазирлиги 200 минг туп, Ички ишлар, Миллий гвардия ва Фавқулодда вазиятлар вазирлиги тизимларининг ҳар бири 100 минг тупдан кўчат экишга масъул бўлади. Чиқинди полигонлари атрофида “яшил белбоғ” барпо этилади.

Қайд этилганидек, кейинги йилда “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси учун 100 миллиард сўм ажратилади. Эндиликда дарахтларни 3 йил парваришлаш, касалликдан сақлаш, суғориш харажатлари ҳам инвестиция дастурига киритилади.

Суғориш бўйича икки хил тажриба амалга оширилади. Хусусан, 27 та туманда биттадан қудуқ қазишга рухсат берилади. Баҳорда 14 та туманнинг тоғ ва адир қияликларида қават-қават қилиб, 500 гектар дарахт экилади.

Вилоятларда “Менинг боғим” лойиҳаси бўйича яшил ҳудудлар ва жамоат парклари барпо этиш юзасидан топшириқлар берилди. Бу майдонлар экиш мавсумигача “Очиқ бюджет” порталига қўйилиб, дарахт турлари бўйича тавсия ва уларнинг нархи кўрсатилади. Шу билан бирга парваришлашда масъулиятсизлик қилган шахсларни мобиль илова орқали огоҳлантириш тизими йўлга қўйилади.

Сўнгги вақтларда юртимизда чанг бўронлари тез-тез содир бўлаётгани қайд этилди. Бунга глобал иқлим ўзгариши билан бирга дарахтларнинг ноқонуний кесилиши, сув камайиши, чорва тартибсиз боқилиши ҳам сабаб бўлмоқда. Чўллардаги ўсимликлар турлари ҳам кескин камайган.

Давлатимиз раҳбари аҳоли кўпайиб бораётган ҳозирги шароитда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш бўйича энг катта захира яйловлар эканини таъкидлади.

Шу боис 16 миллион гектар яйлов ерларини бошқариш Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитасига ўтказилиши белгиланди. Қўмитага чўлларни деградациядан чиқариш бўйича уч йиллик дастур тайёрлаш вазифаси топширилди. Келгуси йилда бу мақсадлар учун дастлаб 50 миллион доллар грант маблағлари жалб қилинади.

Соҳага таалluқли яна бир муаммо — чўл ўсимликлари қопламаси йўқолиб кетаётганидир. Шу сабабли мутасаддиларга Бухоро ва Навоий вилоятларининг чўл ва яримчўл ҳудудларида яшил майдонларни кўпайтириш бўйича кўрсатма берилди.

“Ўзбеккосмос” агентлиги билан биргаликда чўлларда экологик ҳолатни мониторинг қилиш платформаси яратилади. Ўрмон хўжалиги агентлигининг бу йўналишдаги масъулияти оширилади. Эндиликда у чўлланишга қарши курашиш билан ҳам шуғулланади, ҳокимликлар қошидаги “Йўл кўкалам” ташкилотлари агентлик тизимига ўтади.

Агентликка Фанлар академияси билан биргаликда 20 гектарда тажриба-синов майдончаси ташкил қилиб, деградацияга учраган яйловларни қайта тикловчи ўсимликларни етиштириш вазифаси қўйилди.

Президентимиз жамиятда соғлом турмуш тарзини кенг оммалаштириш масалаларига ҳам тўхталиб ўтди. Аҳолини жисмоний соғломлаштириш, спорт, юриш ва тўғри овқатланиш бўйича янги ёндашувларни жорий қилиш муҳимлиги қайд этилди.

Йиғилишда муҳокама қилинган масалалар бўйича мутасаддиларнинг ахборот ва режалари эшитилди.

ЎзА.

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

Тадбиркорлик субъектлари томонидан ҳисоботларни давлат органларига тақдим этиш жараёнлари соддалаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 241[10]-моддасига ўзгартириш киритиш ҳақида

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2015–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 3, 6-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 9, 193-модда, № 12, 269-модда; 1996 йил, № 5–6, 69-модда, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 4–5, 126-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 3, 38-модда, № 5–6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5–6, 153-модда, № 7–8, 217-модда; 2001 йил, № 1–2, 23-модда, № 9–10, 165, 182-моддалар; 2002 йил, № 1, 20-модда, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 5, 67-модда, № 9–10, 149-модда; 2004 йил, № 1–2, 18-модда, № 5, 90-модда, № 9, 171-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 312-модда, № 12, 413, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда, № 9, 498-модда, № 10, 536-модда, № 12, 656, 659-моддалар; 2007 йил, № 4, 158, 159, 164, 165-моддалар, № 9, 416, 421-моддалар, № 12, 596, 604, 607-моддалар; 2008 йил, № 4, 181, 189, 192-моддалар, № 9, 486, 488-моддалар, № 12, 640, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 9, 334, 335, 337-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 462, 468, 470, 472, 474-моддалар; 2010 йил, № 5, 175, 179-моддалар, № 6, 231-модда, № 9, 335, 339, 341-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 468, 473, 474-моддалар; 2011 йил, № 1, 1-модда, № 4, 104, 105-моддалар, № 9, 247, 252-моддалар, № 12/2, 365-модда; 2012 йил, № 4, 108-модда, № 9/1, 242-модда, № 12, 336-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда, № 5, 130-модда, № 9, 244-модда, № 12, 341, 343-моддалар; 2015 йил, № 6, 228-модда, № 8, 310, 312-моддалар, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 1, 2-модда, № 4, 125-модда, № 9, 276-модда, № 12, 383, 385-моддалар; 2017 йил, № 4, 137-модда, № 6, 300-модда, № 9, 510-модда, № 10, 605-модда; 2018 йил, № 1, 1, 4, 5-моддалар, № 4, 224-модда, № 7, 430, 431, 432-моддалар, № 10, 671, 673, 679-моддалар; 2019 йил, № 1, 1, 3, 5-моддалар, № 2, 47-модда, № 3, 161, 165, 166-моддалар, № 5, 259, 261, 267, 268-моддалар, № 7, 386-модда, № 8, 469, 471-моддалар, № 9, 591, 592-моддалар, № 10, 674, 676-моддалар, № 11, 787, 791-моддалар, № 12, 880, 891-моддалар; 2020 йил, № 1, 4-модда, № 3, 203, 204-моддалар, № 7, 449-модда, № 9, 539, 540-моддалар, № 10, 593, 596-моддалар, № 11, 651-модда, № 12, 691-модда; 2021 йил, № 1, 5, 7, 12, 13, 14-моддалар, № 2, 142-модда, № 3, 217-модда, № 4, 290, 293-моддалар, 4-сонга илова, № 8, 800, 802, 803-моддалар, № 9, 903-модда, № 10, 966, 967, 968, 973-моддалар, № 11, 1066-модда; 2022 йил, № 1, 1, 2-моддалар, № 2, 80, 81-моддалар, № 3, 215, 216-моддалар, № 4, 337-модда, № 5, 464, 465, 466, 467-моддалар, № 8, 787-модда, № 10, 981, 984-моддалар, № 12, 1188-модда; 2023 йил, № 3, 184, 185, 188, 189-моддалар, № 4, 265, 266, 268-моддалар, № 5, 319, 320-моддалар, № 7, 533, 534, 535, 537, 539-моддалар, № 8, 634-модда, № 10, 798-модда, № 11, 921, 923, 924-моддалар, № 12, 1004-модда; 2024 йил, № 1, 5, 7, 8, 9-моддалар, № 2, 102, 111, 115, 116-моддалар, № 3, 243, 245-моддалар, № 6, 530, 532-моддалар) **241[10]-моддаси биринчи қисмининг диспозицияси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Тадбиркорлик субъектлари томонидан давлат органларига тақдим этиладиган ҳисобот ва статистика маълумотларининг ягона рўйхатига киритилмаган статистика, молия, солиқ ҳисоботини ва бошқа ҳисоботни, шунингдек қонунчиликда назарда тутилмаган ўзга ҳужжатларни, шу жумладан банк ҳисобварағини очишда ортиқча ҳужжатларни тадбиркорлик субъектларидан талаб қилиб олиш, худди шунингдек мазкур ягона рўйхатга киритилган ҳисоботни тақдим этишнинг белгиланган муддатлари ва тартибига зид равишда талаб қилиб олиш».

2-модда. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва бошқа манфаатдор ташкилотлар ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

3-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин;

республика ижро этувчи ҳокимият органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

4-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2024 йил 21 октябрь
№ ЎРҚ—979

Халқимизнинг тарихи ва ўзлиги, руҳий-маънавий дунёсини акс эттирадиган тенгсиз бойлик

1

Давлатимиз раҳбарининг БМТ Бош Ассамблеяси ва бошқа нуфузли халқаро тадбирларда ўзбек тилида нутқ сўзлаётгани она тилимизнинг халқаро нуфузини янада юксалтиряпти. Бу яқин-яқинларгача уй-рўзғор тили, расмий доираларда эса таржима тили бўлиб келган ўзбек тили бугун халқаро мулоқот тили даражасига кўтарилаётгани ифодасидир.

Ўзбек тилининг мавқеини янада мустаҳкамлаш ва софлигини сақлаш бўйича кенг кўламли ишлар қилиняпти. Жумладан, кўплаб идоравий ҳужжатлар давлат тилига ўтказилди, географик объектларнинг номи давлат реестрига киритилмоқда, ҳудудлардаги ташқи ёзувлар давлат тили ва реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқлаштириляпти.

Ҳужжатларнинг давлат тили талабларига мос ва услубий жиҳатдан пухта тайёрланишига эътибор кучайтирилди. Хусусан, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини лингвистик экспертизадан ўтказиш тизими яратилган. Раҳбарлик лавозимларига номзодларнинг ўзбек тили бўйича билим даражасини аниқлаш мақсадида миллий тест тизими жорий этилган.

Давлат тилини рақамлаштириш бўйича олиб борилаётган изланишлар меваси ўлароқ ўзбекча матнларни сунъий интеллект ёрдамида қайта ишлаш ва ўзбек тилида мулоқот қилишга мўлжалланган “ақлли” дастур ишлаб чиқилгани, “Ўзбек тили изоҳли луғати”нинг веб-сайти яратилгани бу борадаги ишлар замон билан ҳамоҳанглик касб этаётганини кўрсатади.

Ўзбек тили ўқитувчилари, бадиий таржима билан шуғулланадиган мутахассисларни ҳар томонлама рағбатлантириш, “Википедия” халқаро интернет энциклопедиясини ўзбекча маълумотлар билан бойитиш, она тилимизни ўрганиш истагидаги инсонларни қўллаб-қувватлаш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар ўзбек тилининг жаҳон миқёсидаги нуфузи ва жозибадорлигини янада оширишга ҳисса қўшади.

Байрам тадбирида ўзбек тилини ўз она тилидек ўрганган юртдошларимиз ўз фахр-ифтихор туйғуларини изҳор этди. Ватанимизда таҳсил олаётган чет эллик талабаларнинг ўзбек тилидаги фикр-мулоҳазалари кечага кўтаринкилик бахш этди.

— Спорт мусобақалари якунида доим мадҳиямиз садолари янграйди, — дейди ёзги Олимпия ўйинларининг кумуш медаль соҳибаси Светлана Осипова. — Унинг сўзлари эса қалбларимизда жаранг сочади. Шу маънода давлат тили бизни доим тўлқинлантириб, юксак марраларга руҳлантириб туради.

Она тилимизнинг жозибасини намоён этган гўзал шеърлар, санъаткорларнинг соҳир куй-қўшиқлари, дилрабо рақслар йиғилганларга байрамона кайфият улашди.

Ўзбек тили байрами куни муносабати билан ўтказилаётган маърифий лойиҳалар, адабий тадбирлар мамлакатимиз бўйлаб давом этмоқда.

Дилшод КАРИМОВ
(«Халқ сўзи»).

Навбатдаги ялпи мажлисни чақириш тўғрисида қарор қабул қилинди

Кеча Олий Мажлис Сенати Кенгашининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

Унда Сенатнинг эллик тўққизинчи ялпи мажлисини жорий йилнинг 23 октябрь куни чақириш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Сенат Кенгашида

Таъкидланганидек, ялпи мажлисда қатор масалаларни муҳокама қилиш назарда тутилган.

Телекоммуникация ва ипакчилик соҳалари, Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман), Қуролли Кучлар ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг фаолиятига оид қонунлар ҳамда Солиқ, Божхона, Жиноят-процессуал ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексларга, Ўзбекистон Республикасининг айрим қонунларига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш, шунингдек, халқаро ташкилотларнинг бир қатор ҳужжатларини ратификация қилиш ҳақидаги қонунлар кун тартибидан ўрин олган.

«Халқ сўзи».

ДЕЛЕГАЦИЯМИЗ ИҚЛИМ ЎЗГАРИШИГА БАҒИШЛАНГАН СЕМИНАРДА ҚАТНАШДИ

Олий Мажлис Сенатининг Оролбўйи минтақасини ривожлантириш ва экология қўмитаси раиси Борий Алихонов бошчилигидаги делегациямиз Санкт-Петербург шаҳрида МДҲ Парламентлараро Ассамблеяси томонидан ўтказилган иқлим ўзгаришига мослашиш масалаларига бағишланган семинарда қатнашди.

Ҳамкорлик

Мазкур анжуман МДҲ ПА ҳузуридаги Экология ва табиатдан фойдаланиш бўйича эксперт кенгашининг мажлиси доирасида ўтказилди. Унда миллий парламентлар, минтақавий ва маҳаллий ҳокимият органлари, вазирликлар, МДҲ Ижроия қўмитаси вакиллари, шунингдек, Ҳамдўстлик мамлакатлари, халқаро ташкилотлар, таълим ва илмий муассасалардан таклиф этилган экспертлар иштирок этди.

Семинар давомида сенатор Б. Алихонов Ўзбекистонда иқлим ўзгаришига мослашиш борасида амалга оширилаётган ишлар ва кўрилаётган чора-тадбирлар хусусида атрофлича маълумот берди. Айни чоғда у Марказий Осиёда иқлим ўзгариши интенсивлигини баҳолаш бўйича қўмита экспертлари томонидан ишлаб чиқилган методология билан таништирди.

Сенатор, шунингдек, қўмита экспертлари томонидан иқлим ўзгаришини ўрганиш бўйича мавжуд усулларни танқидий кўриб чиқиш, минтақада унинг интенсивлигини баҳолаш назарияси ва формуласи ишлаб чиқилганлигини уқтулади.

Тадбирнинг “Иқлим ўзгаришининг экотизимларга таъсири” ҳамда “Халқаро ҳамкорлик ва иқлим ўзгаришига мослашишни ҳуқуқий тартибга солиш муаммолари” мавзуларига бағишланган секция мажлисларида экотизимлар мослашувининг долзарб масалалари ва халқаро ҳамкорликни фаоллаштириш зарурати ҳамда МДҲ давлатларининг бу борадаги қонунчилигини такомиллаштириш масалалари муҳокамалар марказида бўлди.

Якунда парламентлар, ҳукуматлар, халқаро ва миллий ташкилотлар учун тавсиялар қабул қилинди.

«Халқ сўзи».

АТРОФ-МУҲИТ МУҲОФАЗАСИ ВА МУСИҚА САНЪАТИ РАВНАҚИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг ўтган ҳафтада бўлиб ўтган мажлисида депутатлар томонидан мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётига оид бир қатор қонун лойиҳалари, жумладан, экологик экспертиза фаолиятига оид мавжуд қонунчилик ҳужжатларидаги тафовутларни бартараф этиш, жонли ижро санъатини янада ривожлантиришга қаратилган ҳужжатлар атрофлича кўриб чиқилди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

Экологик экспертиза фаолиятида янги йўналиш

Мажлисда депутатлар томонидан “Экологик экспертиза, атроф-муҳитга таъсирни баҳолаш ва стратегик экологик баҳолаш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда кўриб чиқилди.

Ушбу қонун лойиҳаси билан давлат экологик назоратининг муҳим шакли бўлган экологик экспертиза фаолиятида қўлланиладиган янги нормалар — атроф-муҳитга таъсирни баҳолаш ҳамда экологик нормативлар лойиҳаларини давлат экологик экспертизасидан, стратегик режалаштириш лойиҳаларини стратегик экологик баҳолашдан ўтказиш масалалари аниқ белгиланмоқда. Шунингдек, давлат экологик экспертизасини халқаро талабларга асосан ўтказиш тартиби назарда тутилмоқда.

Қонун лойиҳасида жамоатчилик экологик экспертизаси ҳамда жамоатчилик эшитувини ўтказиш тартибини белгилаш бўйича алоҳида нормалар ҳам киритилмоқда.

Мунозаралар давомида депутатлар қонун лойиҳасининг экологик экспертиза турларига оид моддасида назарда тутилаётган янги нормалар бўйича аниқлаштирувчи саволлар беришди. Қонун ташаббускорлари кўтарилган масалалар юзасидан атрофлича тушунтиришлар берди.

Мажлисда қонун лойиҳаси депутатлар томонидан учинчи ўқишда қабул қилинди ва Сенатга юборилди.

Қандай ҳолатда концерт-томоша тадбирларига имтиёзлар берилади?

Мажлисда жонли ижро санъатини янада ривожлантиришга қаратилган қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда модама-модда муҳокама қилинди.

Мазкур ҳужжат билан “Маданий фаолият ва маданият ташкилотлари тўғрисида”ги Қонунга Маданият вазирлигининг жонли ижро санъатини ривожлантириш йўналишидаги ваколатларини, шунингдек, концерт-томоша тадбирларида фонограммадан фойдаланган ҳолда мусиқий ва бошқа асарларни ижро этиш усулларини аниқлаштиришни назарда тутувчи ўзгартириш ва қўшимчалар киритилмоқда.

Шу билан бирга, “Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги ва “Реклама тўғрисида”ги қонунларга концерт-томоша тадбирларида фонограммадан фойдаланиш даражаси ҳақида ахборот бериш тартиби белгиланяпти.

Қайд этилганидек, ушбу қонун лойиҳаси жамоатчилик муҳокамаси учун Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг расмий веб-сайтига ҳам жойлаштирилган. Муҳокамалар давомида келиб тушган барча таклиф масъул қўмита томонидан ҳар томонлама ўрганилиб, уларнинг айримлари лойиҳада акс эттирилган.

Қонун лойиҳаси депутатлар томонидан учинчи ўқишда қабул қилинди ва Сенатга юборилди.

Сўз — депутатларга

Ислом ХУШВАҚТОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати:

— Мажлисда депутатлар томонидан қабул қилинган “Экологик экспертиза, атроф-муҳитга таъсирни баҳолаш ва стратегик экологик баҳолаш тўғрисида”ги қонун ушбу соҳадаги муносабатларни умумэътироф этилган халқаро ҳужжатлар асосида тартибга солишга хизмат қилиши билан аҳамиятлидир.

Бинобарин, мазкур қонун билан амалда атроф-муҳитга таъсири бўйича 4 та тоифа бўлган объектларнинг 3 та тоифага қисқартирилиши минглаб кичик тадбиркорлик субъектлари фаолиятидаги бюрократик тўсиқларга барҳам беради. Бу орқали тадбиркорларнинг ортиқча вақт ва молиявий харажатлари қисқартирилишига эришилади.

Шунингдек, атроф-муҳитга таъсирни баҳолаш институтининг қонун даражасига олиб чиқилиши ҳамда стратегик экологик баҳолаш тизимига оид нормаларнинг белгиланиши мамлакатда жозибадор инвестициявий муҳитни таъминлайди.

Ҳужжатга мувофиқ давлат экологик экспертизасини ўтказиш билан боғлиқ муаммоли ва баҳсли масалаларга ечим топиш учун доимий фаолият юритувчи экспертлар кенгашининг йўлга қўйилиши эса, шубҳасиз, ушбу масалаларни коллегиал равишда кўриб чиқиш ва ҳал этиш имкониятини яратади. Шунингдек, стратегик экологик баҳолаш жараёнларида жамоатчилик иштирокининг ҳуқуқий асослари белгиланиши экологик экспертиза хулосаларининг шаффофлигини таъминлашга хизмат қилади.

Хулоса қилиб айтганда, мазкур ҳужжат янги таҳрирдаги Конституциямизда белгиланган фуқароларнинг экологик ҳуқуқларини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

Шуҳрат ШАРАФУТДИНОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати:

— Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига жонли ижро санъатини янада ривожлантиришга қаратилган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун жонли ижрони ривожлантиришга хизмат қилиши билан эътиборга молик. Зеро, ушбу қонун жонли ижро тарғиботи ҳамда жонли ижро этиш орқали миллий санъат ва маданиятнинг нуфузини оширишга хизмат қилаётган санъаткорлар, ижодкорлар ҳамда ижрочиларни қўллаб-қувватлашга қаратилган.

Мазкур ҳужжат билан Маданият вазирлигининг соҳадаги ваколатлари “Маданий фаолият ва маданият ташкилотлари тўғрисида”ги Қонунга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш орқали кенгайтирилмоқда. Жумладан, мусиқа санъатини ҳар томонлама ривожлантириш, концерт-томоша тадбирларини юқори савияда ташкил этиш, ижрочиларга ўз салоҳиятини тўлақонли намойиш қилиши учун шарт-шароитлар яратиш мақсадида ўз концерт дастурларини жонли ижро усулида амалга оширувчи хонандалар, созандалар ва бошқа ижрочилар фаолиятини рағбатлантириш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш ваколати белгиланяпти.

Маданият вазирлигига бундай ваколатнинг берилиши санъаткор, ижодкор ҳамда ижрочиларнинг давлат органлари ва ташкилотлари тизимидаги концерт, маданият саройлари ва бошқа муассасаларда тўлиқ жонли ижро асосида ўтказилган концерт дастурлари учун ижара тўловидан чегирмалар бериш ёки уларнинг концерт дастурларини ташкиллаштиришда имтиёзлар бериш ва бошқа шу каби рағбатлантириш чораларини амалга ошириш имконини яратади.

Умуман олганда, жонли ижрони рағбатлантириш бўйича чора-тадбирларнинг рўёбга чиқарилиши, ўз навбатида, мамлакатда ёш ва иқтидорли ижрочиларни аниқлаш ва қўллаб-қувватлаш, ёшларни ватанпарварлик ҳамда миллий мустақиллик ғоялари руҳида тарбиялашга ҳисса қўшадиган мусиқа асарлари яратишга хизмат қилади.

«Халқ сўзи».

БИЗ БИРГАЛИКДА КАТТА КУЧМИЗ!

O‘zLiDeP

O‘zLiDeP томонидан сайловлар арафасида ташкил этилаётган тарғибот тадбирларида бу даъват қайта-қайта янграмоқда. Электорат вакиллари мазкур шиор замирида тараққиётни тезлаштирувчи омилларни тўлиқ қамраб олган маъно-мазмун мужассамлигини тобора теранроқ англашяпти.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва маҳаллий Кенгашларга сайловлар кунига жуда оз муддат қолди. Партияларнинг ташвиқотлари ҳам шу кунларда қизғин паллага кирди.

Хўш, **1 млн. 600 мингдан** зиёд аъзолари бўлган O‘zLiDePнинг сайловолди тарғибот тадбирлари қандай кечмоқда? Электорат вакилларининг 46 фоизини аёллар, 48 фоизини ёшлар ташкил қиладиган либерал-демократлар сайловчилар ишончини қозониш учун қандай ташаббусларни илгари сурмоқда ва қандай янги усуллардан фойдаланмоқда?

Қуйида ана шу саволларга жавоб бўладиган саъй-ҳаракатларга холисона назар ташлаймиз.

Ўз ғоя ва дастурларини аҳоли орасида кенг ёйиш мақсадида O‘zLiDeP бу галги сайловларга ҳам ҳар доимгидек янгича услубларда ёндашмоқда. Танланган стратегия доирасида одамлар орасига янада чуқурроқ кириб бориш, уймауй юриб, миллионлаб фуқаролар билан мулоқот қилиш, ҳар бир сайловчига партия ғояларини етказиш осон иш эмас.

Шу кунгача фаоллар ва волонтёрлар гуруҳи **икки миллиондан ортиқ хонадонларга** кириб-чиқишга улгуришди. Шунингдек, велосипед ва махсус овоз кучайтиргичлар (рупер) ёрдамида партиянинг асосий мақсад ва ғоялари аҳоли ўртасида кенг тарғиб қилинмоқда. Бундан ташқари, O‘zLiDeP партияларо дебатларда ҳам дадил қатнашяпти. Сайловчилар билан учрашувлар, номзодларнинг ташкилот ва идоралардаги мулоқотлари ҳам жонли тарзда кечмоқда.

Умуман олганда, O‘zLiDeP бу галги сайловлар кампаниясида кенг аҳоли қатламларини жалб этган ҳолда оммавий тадбирларни ҳамда асосий электорат қатлами вакиллари билан учрашувларни ўтказишга алоҳида эътибор қаратди.

Очиқ осмон остидаги очиқ мулоқотлар

Фарғона шаҳридаги Ислом Каримов номидаги театр-концерт саройи майдонида **“Эркин ва фаровон, қудратли янги Ўзбекистонни биргаликда қурамиз!”** шиори остида уюштирилган оммавий тарғибот тадбири хусусида ижтимоий тармоқда кўплаб ижобий фикрлар билдирилди.

Боиси шундаки, ёмғирли об-ҳаво бўлишига қарамай икки мингдан зиёд сайловчилар — тадбиркору фермерлар, таълим ва тиббиёт соҳалари ходимлари, маданият ва санъат тизими вакиллари партия таклифларини диққат билан тинглашди.

Шунингдек, Нукус шаҳридаги “Дўстлик боғи”да ташкил этилган тарғибот тадбири сайловчилар билан тўғридан-тўғри мулоқот шаклида, юқори кайфиятда ташкил этилди.

Очиқ осмон остидаги оммавий тадбирларда таъкидланганидек, партия **ялпи ички маҳсулот ҳажмини 2030 йилга бориб 160 миллиард долларга**, аҳоли жон бошига тўғри келадиган даромадни эса **4 минг долларга** етказиш, **тадбиркорлар сонини 3 миллион нафардан ошириш** учун барча зарур чораларни кўради. Бундан ташқари, касб-ҳунарга ўқитиш кўламини ҳар йили икки баравар ошириб, беш йилда камида **1 миллион фуқарога касб ўргатиш**, барча туман ва шаҳарларда мономарказларни очиш, мактаб битирувчиларига давлат томонидан **камида бир касбни эгаллаши**га кўмаклашувчи тизим жорий этиш каби масалалар ҳам партиянинг диққат марказида бўлади.

O‘zLiDeP мамлакатимиздаги барча соҳанинг бирдек ривожланишидан манфаатдор. Бу эзгу мақсадлар йўлида ҳамма куч ва имкониятлар сафарбар этилади.



Сунъий интеллект ва нанотехнологиялар

Виртуал макон ҳаётимиздан мустаҳкам ўрин олгани бугун ҳеч кимга сир эмас. Эндиликда каттаю кичик рақамли технологиялар ва мобиль иловалардан фойдаланишни билади. Электрон қулайликлар кўлами тобора кенгайиб бораётгани ҳам рост.

O‘zLiDeP мутасаддиларининг Самарқанд вилоятида жойлашган “Ургут иқтисодий зонаси”да йирик компания раҳбарлари, инвесторлар билан ўтказилган учрашувда айни мавзуда сўз юритилгани электоратнинг диққатини ўзига жалб қилди.

Рақамли технологияга ихтисослаштирилган корхоналар экспорт фаолиятини жадаллаштириш, **“Чип саноати”, сунъий интеллект, нанотехнологиялар** каби илғор тармоқларни ривожлантириш партиянинг келгуси беш йилликда энг устувор вазифасига айланади. Шунингдек, саноатда таннархни камайтириш, махсус саноат зоналарини хорижий компанияларга аутсорсинг асосида бошқарувга бериш, **автомобиль ишлаб чиқариш ҳажмини йилига 1 миллион донага етказиш** чоралари кўрилади. Ўзбекистонни минтақавий **“тўқимачилик хаби”**га айлантириш учун соҳадаги тадбиркорларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, ёшлар ўртасида IT соҳасини янада оммалаштириш ҳамда соҳада хизматлар экспортини ошириш учун **“мактаб — олийгоҳ — IT компанияси”**дан иборат яхлит “IT таълим” ва хизматлар занжири яратилади.

Тошкент вилоятидаги “Astrum” IT академиясида IT мутахассислар, маркетинг соҳаси вакиллари, ёшлар билан ўтказилган O‘zLiDePнинг сайловолди ташвиқоти Ургутдаги қизиқарли суҳбатнинг тадрижий давоми бўлди, десак, янглишмаган бўламиз.

Сайловолди учрашувда партия ёшлар бандлиги ва ишбилармонлиги, хусусан, ишсиз ёшларни **замонавий касбларга ўқитиш** тизимини тубдан қайта кўриб чиқиш, корхоналар буюртмаси асосида **касбга тайёрлаш амалиётини жорий қилиш** тарафдори экани қайд этилди.



Ҳар бир вилоятда камида 100 гектар майдонда **“Ёшлар ижтимоий-иқтисодий маркази”**нинг ташкил этилиши ва мазкур марказлар ёшлар учун чинакам **“лойиҳалар фабрикаси”**га айланиши маълум қилинди.

Аҳолини тадбиркорликка жалб қилишнинг маҳаллабай дастурлари

Бухоро вилоятининг Ғиждувон туманидаги “Парвоз Ҳумо Равнақ Транс” ва Наманган вилоятининг Давлатобод туманидаги “Кўк сарой” корхоналарида уюштирилган сайловолди тарғибот тадбирларида ҳам партия электоратининг асосий қатламини ташкил этувчи тадбиркорлар, ишбилармонлар, кичик ва ўрта бизнес ҳамда аграр соҳа ходимлари фаол қатнашди.

Аҳолини тадбиркорликка жалб қилишнинг **маҳаллабай дастурлари**ни ишлаб чиқиш партия олдида турган энг муҳим мақсадлардан бири экани алоҳида эътироф этилди. Шунингдек, **оилавий тадбиркорлик** дастурлари доирасида имтиёзли кредит ҳажмларини ҳар йили **30 фоизга ошириб бориш**, ижтимоий тадбиркорликни янада рағбатлантириш, ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳолини иш билан таъминлаб келаётган тадбиркорларга **мол-мулк ва ер солиғидан имтиёзлар** бериш ҳам O‘zLiDePнинг сайловолди таклифлари сирасига киради.

Ички меҳнат миграциясини ривожлантиришга эътибор қаратиш, бандликни молиявий қўллаб-қувватлаш манбаларини кенгайтириш, жумладан, хусусий бандлик агентликлари тизимини ривожлантириш масалалари электорат манфаатларини ҳимоялашда зарур қадам бўлади.

Маънавий-маърифий соҳалар ҳам доимий эътиборимизда бўлади

Ёшлар ишлари агентлиги ҳузуридаги “Китоблар олами” марказида ёзувчи ва шоирлар, китоб нашри ва босма соҳасида фаолият юритаётган тадбиркорлар, китобхон ёшлар вакиллари билан партия номзодларининг учрашуви ҳам самимий руҳда кечди.

Учрашувда O‘zLiDeP тадбиркор ва ишбилармонлар манфаатларини ҳимоя қиладиган энг йирик сиёсий куч сифатида хусусий сектордаги **нашриётлар фаолиятини янада ривожлантириш**га алоҳида эътибор қаратиши айтиб ўтилди. Жумладан, бизнес юритишни янада соддалаштириш, **1000 га яқин бюрократик талабларни бекор қилиш, лицензиялар сонини икки бараварга камайтириш**, лицензия бекор бўладиган 60 та фаолият учун хабардор қилиш тизимини жорий этиш партиянинг кейинги беш йилликдаги устувор вазифаларидандир. Шунингдек, **солиқ маъмурчилиги тизимини соддалаштириш**, барча тадбиркорлар учун солиқ тўлаш борасида адолатли ва тенг шароитлар яратиш каби вазифалар ҳам матбаа соҳасида фаолият юритаётган тадбиркорларнинг манфаатларига хизмат қилади.

* * *

Хоразм вилоятининг Тупроққалъа тумани “Ҳазорасп” эркин иқтисодий зонаси ва “Uzavtomotors” акциядорлик жамиятида бўлиб ўтган учрашувларда партиянинг иқтисодий йўналишдаги мақсад ва вазифалари, Андижон давлат тиббиёт институтида эса шифокорлар ва ёш мутахассислар билан тиббиёт соҳасини ривожлантиришга оид таклиф ҳамда ташаббуслари ҳақида сўз юритилди.

Умуман олганда, учрашувларда партия Сайловолди дастуридаги устувор йўналишлар, мақсад ва ғоялар халқчил, оддий, содда тилда етказиляпти. Сайловчилар партия ғоялари ва ташаббусларига илиқ муносабатларини билдириб, сайловларда партия ва унинг номзодларини қўллаб-қувватлашларини таъкидлашмоқда.

Ўзбекистоннинг замонавий тараққиёти йўлидаги бу муҳим паллада Сиз, азиз сайловчилар қабул қиладиган қарорлар келажагимизни белгилайди. O‘zLiDeP ўзининг адолатли ва фаровон жамиятни қуриш, иқтисодий ўсишни таъминлаш ва ҳар бир фуқаронинг манфаатларини ҳимоя қилишга бўлган содиқлигини амалда исботлаган.

Биргаликда кучмиз! Бизни қўллаб-қувватланг ва ислоҳотларнинг бардавомлиги учун O‘zLiDeP ва унинг номзодларига овоз беринг!

Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Матбуот хизмати.

«БИЗ БИРМИЗ, ЎЗБЕКИСТОНЛИКМИЗ!»

“MILLIY TIKLANISH” DEMOKRATIK PARTIYASI

Одимлаётган ҳар бир кун бизни 27 октябрь — Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳамда маҳаллий Кенгашлар депутатлигига бўладиган сайловларга яқинлаштирмоқда. Бу жараёнда “Қадриятларга таянган тараққиёт” шиорига амал қилаётган “Миллий тикланиш” демократик партияси ҳам парламент ва маҳаллий Кенгашларда энг кўп ўринларни эгаллаш учун курашмоқда.

Таъкидлаш лозимки, партия томонидан ташкил қилинаётган тарғибот-ташвиқот тадбирларида барча номзодлар фаол иштирок этиб, партия ва ўзларининг сайловолди дастурларини кенг тарғиб қилмоқда. Айниқса, бундай тадбирларда нафақат электорат, балки партия ғоя ва мақсадларига хайрихоҳ бўлган кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этмоқда.

Жумладан, шу кунгача партиянинг 38 мингга яқин тарғибот тадбирлари ташкил этилиб, уларда қарийб 1 миллион 500 мингга яқин сайловчилар қатнашди.

«Миллий тикланиш» нима учун «Қадриятларга таянган тараққиёт» ғоясини илгари сурмоқда?

Жиззах шаҳридаги Мустақиллик майдонида ўтказилган оммавий тарғибот тадбирида партия томонидан “Қадриятларга таянган тараққиёт” ғояси бежиз илгари сурилмаётгани қайд этилди.

Бугунги кунда бутун дунёда тараққиётга эришиш ва фаровон жамият барпо этиш масаласи аксарият давлатларнинг кун тартибидаги асосий масалага айланди. Бироқ шуни тан олиш керакки, иқтисодий фаровонлик ўз-ўзидан жамият бахти ва барқарорлигини таъминлай олмайди. Инсонларнинг ҳаётида маънавий мезонлар ва қадриятларнинг аҳамияти ҳам катта ўрин тутади. Айниқса, кўп асрлик анъаналар ва миллатимизнинг маънавий мероси халқимизнинг келажаги учун мустаҳкам асос бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Тадбирда Олий Мажлис Қонунчилик палатасига номзод, Тошкент давлат шарқшунослик университети ректори Гулчеҳра Рихсиева дастурда бугун замонамизнинг долзарб масаласига айланган тарбия ва таълим соҳасини ривожлантиришга, бу борада мавжуд бўлган муаммо ҳамда камчиликларни ҳал қилиш бўйича илгари сурилган таклиф ва ташаббуслар ҳақида фикр билдирди.

Улар орасида энг муҳими “Янги авлод педагогларини тайёрлаш давлат дастури”ни қабул қилиш ташаббусидир. Чунки сўнгги йилларда ушбу дастурнинг кераклигини ҳар куни ҳис қиляпмиз. Бугун фарзандларимиз, умуман, янгича даврда яшаяпти ва педагогларимиз ҳам келажагимиз эгаларига мос бўлиши лозим. Шу боис янги авлод педагогларини тайёрлаш ва ўқитувчилик касби жозибадорлигини оширишга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий қилишга биринчи даражали вазифа ўлароқ қараш зарур.

Гулчеҳра РИХСИЕВА:

— Шундан келиб чиқиб, барчангиздан ушбу ташаббусни қўллаб-қувватлаган ҳолда, фарзандларимизнинг келажагини ўйлаган барча юртдошларимизни 27 октябрда бўладиган сайловларда “Миллий тикланиш” ва унинг номзодларига овоз беришга чақираман.

Қуйи палатага кўрсатилган яна бир номзод, Жиззах вилояти ҳокими ўринбосари Назира Мухторованинг чиқиши ҳам сайловчилар томонидан илиқ кутиб олинди.

Партия ўз дастурида “Маърифатли она — қудратли миллат” тамойилига асосан хотин-қизларга оид сиёсатини янги босқичга олиб чиқиш, аёллар келажагимиз бунёдкорлари бўлган болаларни дунёга келтирувчи ва уларнинг тарбиячилари бўлиши баробарида, давлат ва жамият бошқарувида аёлларнинг бой билим, малака ва кучини сафарбар этишга қаратилган муҳим таклиф ва ташаббусларни илгари сурмоқда. Улар орасида энг муҳими, шубҳасиз, фарзанд кўрган аёлларга бола уч ёшга тўлгунига қадар ҳақ тўланадиган “Оналик таътили” бериш тизимини жорий қилиш таклифидир.

Назира МУХТОРОВА:

— Агар сиз фарзандларингиз меҳрли, тарбияли, келажакда юртимизга садоқатли фарзанд бўлиб вояга етишини истасангиз, “Миллий тикланиш” демократик партияси ва унинг номзодларига овоз беринг!

Партиямизнинг ҳаётий ташаббуслари — тараққиёт одимларимизга мустаҳкам пойдевор

“Биз бирмиз, ўзбекистонликмиз!” шиори остида Бухоро шаҳрида навбатдаги оммавий тадбир учун катта тайёргарлик кўрилди. Маълумки, бир неча минг йиллик тарихга эга азим шаҳар аҳли ҳайратлар ичида яшайди, 200 дан ортиқ қадимий обидалар, осориатиқалари билан бутун дунёни лол қолдириб келаётган воҳа аҳли партия ташаббус ва ғояларини олқишлар билан кутиб олди. Уч мингга яқин сайловчилар иштирок этган тадбирда номзодлар сайловолди дастурининг мазмун-моҳиятини тушунтиришди ва барчани сайловларда фаол иштирок этишга ҳамда “Миллий тикланиш” партияси ва унинг номзодларига овоз беришга чақиришди.

Оммавий тадбирда партия Марказий Кенгаши раиси Алишер Қодиров сўзга чиқиб, бугун сайловчиларга қуруқ ваъдалар эмас, аниқ ва лўнда таклиф ҳамда ташаббуслар, эртамизга хизмат қиладиган ғоялар кераклигини, юзаки баҳслар, тортишувлар эмас, чин юракдан, Ватан, миллат манфаати йўлида айтиладиган оддий ва содда гаплар кераклигини таъкидлади.

Марказий Кенгаш раиси ўринбосари Феруза МУҲАММЕДЖАНОВА:

— Бир донишманд агар ўғлингни ўқитсанг, бир кишини ўқитган бўласан, қизингни ўқитсанг, бутун жамиятни ўқитган бўласан, деган экан. Аммо айрим талаба оналар боласига қаровчи йўқлиги сабаб ўқишини давом эттира олмаяпти. Шундан келиб чиқиб, партиямиз дастурида талаба оналарнинг фарзандлари учун олий таълим муассасаларида махсус болалар хоналари ёки боғчалар ташкил этиш таклифи илгари сурилмоқда.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод Жаҳонгир ШИРИНОВ:

— Партия томонидан давлат бошқаруви ҳамда қонунчилик ва суд-ҳуқуқ тизими бўйича ҳам бир қатор ташаббуслар илгари сурилган. Айниқса, нодавлат нотижорат ташкилотларнинг коррупцияга қарши курашишдаги ролини ошириш зарур. Токи улар фақат бу иллатга қарши тарғибот билан чекланиб қолмай, коррупцион ҳолатларни, керак бўлса, давлат органларидан ҳам олдинроқ таҳлил қилиш ва фош этишга қодир бўлсинлар.



Ҳунармандлар тадбиркор эмас, қадриятлар ташувчисидир

Шаҳрихон туманидаги ҳунармандлар марказида электорат вакиллари билан ўтказилган учрашув ҳам сермазмун кечди. Халқ амалий санъати намуналарини яратаётган уста ҳунармандлар, халқ оғзаки ижодини давом эттириб келаётган санъат вакиллари билан учрашув қизғин савол-жавобларга бой бўлди. Партия Сайловолди дастурида қадриятларимизни боқий асрашга, авлоддан-авлодга ўтишига хизмат қилаётган уста-ҳунармандлар фаолияти билан боғлиқ ташаббус ҳам илгари сурилган. Жумладан, соҳа вакиллари дастурдаги “Ҳунармандчилик фаолияти тўғрисида”ги Қонунни қабул қилиш таклифини қўллаб-қувватладилар.

Партия ёш авлоднинг ҳунармандчилик ва халқ амалий санъатига бўлган қизиқишларини ошириш, уларнинг бу фаолият билан шуғулланишларини рағбатлантириш жуда зарур деб ҳисоблайди. Сабаби, партия ҳунармандларга тадбиркор сифатида эмас, қадриятларни ташувчи сифатида қарайди. Шундан келиб чиқиб, улар учун имкониятларни янада кенгайтириш ва қўллаб-қувватлашни асосий вазифа деб билади.

Толиб АҲМЕДОВ, ҳунарманд:

— Шахсан мен 30 йилдан бери ёғоч ўймакорлиги билан шуғулланаман. Шу ҳунар билан оила тебратаман, бу бизга ота мерос. Бу соҳани давом эттираётган учинчи авлод вакилиман. Ҳақиқатан ҳам, ҳунармандлар қўллаб-қувватланса, уларнинг фаолияти оммалашиши учун имконият яратилса, ёшларимизнинг қизиқишлари янада ошарди. Соҳа ривожига имконият яратиш орқали иқтисодиёт ва туризмни ривожлантирамиз, ҳам қадриятларимизни давом эттирамиз. Мен партиянинг фаолиятимиз билан боғлиқ таклифларини қўллаб-қувватлайман.

Мақсадимиз биргаликда инсон салоҳиятини рўёбга чиқаришга йўналтирилган — янги Ўзбекистонни барпо этиш. Бугун барчамиз халқни рози қилиш, келажакда эмас, одамларга бугун қулай шароитлар яратиш мақсадига айланган кунларда яшаяпмиз. Бош мақсадимиз “Қудратли давлатга таянган, қонунлар миллий ва умуминсоний қадриятларга уйғун, инсон қадри баланд, фаровон жамият қуриш”дир.

Шубҳасиз, бу галги сайловлар ҳар доимгидан-да кучли рақобат муҳитида ўтмоқда. Бу йўлда салмоқли натижаларга эришиб, парламент ва маҳаллий Кенгашларда энг кўп ўринларни эгаллаш — партиянинг энг асосий мақсади.

Албатта, бунда Сиз, сайловчиларнинг овози биз учун муҳим. 27 октябрда ўтадиган сайловларда “Миллий тикланиш” партияси ва унинг номзодларига овоз беринг!

Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси Матбуот хизмати.

O‘zLiDeP ВА УНИНГ ДЕПУТАТЛИККА КЎРСАТГАН НОМЗОДЛАРИГА ОВОЗ БЕРИНГ!

«МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ» ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ ВА УНИНГ НОМЗОДЛАРИГА ОВОЗ БЕРИНГ!

Халқ сўзи
www.xs.uz /xalqsuzi.uz @xs_uz
2024 йил 22 октябрь

ДОЛЗАРБ ВА ЭЪТИБОРДАГИ МАСАЛА

Мамлакатимизда камбағалликни қисқартириш борасидаги ишлар янги босқичга кўтарилмоқда

Камбағаллик — миллат ва давлат ривожига тўсиқ бўлувчи энг асосий омиллардан бири. Чунки моддий ночор инсон ижтимоий ёрдамга муҳтож бўлади ва жамиятга катта фойда келтирмайди. Шу жиҳатдан олганда, камбағал инсонларнинг камайиши давлат тараққиётига, халқаро доирадаги имижига, қолаверса, аҳоли турмуш сифатининг ошишига шунча яхши таъсир кўрсатади. Шу боис бугунги кунда бутун дунёда камбағалликнинг олдини олишга катта эътибор қаратилмоқда. Бунинг учун турли усул, восита ва дастурлардан фойдаланиляпти. Мақсад — одамларга қулай яшаш шароити яратиш орқали турмуш фаровонлигини ошириш, мамлакат иқтисодиётини янада мустаҳкамлаш.



Нуқтаи назар

Янги Ўзбекистонда ҳам ушбу йўналишдаги ишлар сўнгги йилларда шиддат билан жадаллашаётганини ҳар биримиз кўриб турибмиз. Бу борада амалга оширилган ишлар қаторида қилинажак вазифалар ҳам аниқ белгилаб олинмоқда. Масалан, Президентимизнинг 2024 йил 23 сентябрдаги “Камбағалликни қисқартириш ва аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш борасидаги чора-тадбирларни янги босқичга олиб чиқиш тўғрисида”ги Фармонига кўра жорий йилнинг қолган даврида 500 минг, 2025 йилда эса 1 миллион кишини камбағалликдан чиқариш мақсад қилинди. Бу давлат органлари ва ташкилотларининг биринчи даражали вазифаси этиб белгиланди. “Камбағалликдан фаровонлик сари” дастури қабул қилинди.

Дастур 2024 йил 1 ноябрдан “Камбағал оилалар учун еттита имконият ва масъулият” тамойили асосида амалга оширилади. Барқарор бандлик ва юқори даромад топишга эришиш, таълим олиш ва касб-ҳунар ўрганиш, кафолатланган давлат тиббий хизматидан баҳраманд бўлиш, ижтимоий хизматлардан фойдаланиш, яшаш шароитларини яхшилаш, давлат томонидан маҳаллалар инфратузилмасини ривожлантириш, давлат органлари ходимлари билан тўғридан-тўғри мулоқот қилиш шу тамойиллар сирасига киради.

Давлатимиз раҳбарининг 2024 йил 4 октябрдаги “Камбағалликни қисқартириш ва бандлик соҳасида давлат сиёсатини такомиллаштириш ва самарадорликни ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига биноан эса инсон ресурсларини ривожлантириш, меҳнат бозорини ислоҳ қилиш, бандликнинг замонавий турларини татбиқ этиш орқали кўрсатилаётган хизматлар сифатини яхшилаш, халқаро андозалар асосида муносиб меҳнат муносабатларини шакллантириш вазифалари қўйилди. Мана шу икки ҳужжатда кўрсатилган ишларнинг ўзиёқ юртимизда камбағалликни қисқартириш нечоғли долзарб ва эътибордаги масала эканлигини англатади.

Бурилиш нуқтаси

Аслида инсон манфаати устувор бўлган, унинг орзу-мақсадларини амалга ошириш ислоҳотларнинг асосий мазмун-моҳиятига айланган мамлакатда ҳеч ким назардан четда қолмайди. Бугун Ўзбекистон ана шундай инсонпарвар давлат, одамларини ардоқлайдиган юрт. Лекин, афсуски, маълум муддат бу борадаги ишлар тўхтаб қолгандек бўлди. Дипломи бору иш излаб идорама-идора сарсон бўлаётганлар ҳақида билсак-да, индамадик. Ён-атрофимизда камбағал оилалар бўлса-да, на ўзимиз кўмак бердик, на ночорликдан чиқиш йўлларини кўрсата олдик. Барчасини кўриб кўрмасликка, билиб билмасликка олиб юравердик. Натижада фарзандларимиз, қўшниларимиз, танишларимиз тирикчилик ғамида иш излаб узоқ юртларга ошиқаверди. Улар сафи йиллар сайин ортса ортдики, камаймади.

Тўғри, бу жараён ҳозир ҳам тўхтагани йўқ. Одамларимиз ҳали ҳам четга ишга чиқиб кетишмоқда. Лекин эътиборлиси, энди уларни давлатнинг ўзи аниқ манзил ва аниқ иш билан таъминлашга ҳаракат қиляпти. Кафил бўляпти. Ноқонуний миграция ҳолатларидан огоҳлантирмоқда. Хориж давлатлари билан муносабатларда имзоланаётган ҳужжатларда айни шу жиҳатлар алоҳида инобатга олинмоқда.

Давлат органлари, идора ва вазирликлар вакиллари маҳаллаларга, одамлар орасига кириб ким қаерда эканлиги, ишсизлар, ижтимоий муҳтожлар рўйхати алоҳида дафтарлар асосида шакллантирилиб, уларга тўғри йўл кўрсатиляпти. Муносиб меҳнат шароити яратиб бериляпти. Натижада илгари ҳеч бир иш билан шуғулланмаган инсон маҳалласида таниқли тадбиркорга, ишбилармонга айланмоқда. Бир пайтлар ўзи ишсиз бўлган одамлар энди бошқаларни иш билан таъминламоқда. Булар — мамлакатимизда 2020 йилдан камбағаллик борлиги тан олиниб, уни қисқартириш масаласига давлат миқёсида катта аҳамият берилгани самараси, албатта.

2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясига мувофиқ 2026 йил охирига қадар мамлакатимизда камбағаллик даражасини икки баробарга камайтириш режалаштирилмоқда.

Ўзбекистонда камбағал қатлам мавжудлигининг тан олиниши соҳага доир сиёсатнинг дастлабки бурилиш нуқтаси бўлди. Илгари бизда фаолият кўрсатаётган халқаро ташкилотларнинг камбағалликни қисқартиришга доир ҳужжатларида аҳоли турмуши яхши қилиб, бироз ўзгартирилган ҳолда бериларди. Яъни камбағаллик атамасига атайин урғу берилмасди. Бундан худди Ўзбекистонда камбағаллик ва камбағал ёки қашшоқ қатлам йўқдек таассурот уйғонарди. Тўрт йил аввал мана шу масалада ёндашув ўзгарди.

Бироқ назариядан ҳам, амалиётдан ҳам маълумки, биргина иқтисодий ўсиш асносида камбағаллик билан курашиб бўлмайди. Бунинг учун давлат сиёсати даражасидаги жиддий саъй-ҳаракатлар талаб этилади. Айнан шунинг учун бу борада махсус қарор ва фармонлар, дастурлар қабул қилинди.

Билимнинг ўрни бўлакча

Инсон ҳаётда муносиб турмуш кечираман, ўз ўрнимни топаман, деса, албатта, билим олиши, бирор касбни мукаммал эгаллаши керак. Билим, айниқса, камбағалликни камайтиришда жуда катта фойда беради. Чунки билимли инсон, малакали мутахассисга ҳар доим талаб бўлган ва бўлаверади.

Назарияга кўра таълим учун харажатлар қанчалик кўп бўлса, меҳнат унумдорлиги ҳам шунчалик ошиб бораверади. Яъни яхши таълим, яхши даромад келтиради. Инсон қанчалик кўп пул топса, турмуши ҳам яхшиланади. Шу жиҳатдан олганда, таълим жамиятда даромадлар тенгсизлигини камайтириш ва гендер тенгликни таъминлашнинг асоси ҳисобланади. Ота-онанинг таълим даражаси фарзандлар фаровонлигига тўғридан-тўғри таъсир кўрсатади. Камбағал бўлиш хавфини камайтиради.

Сўнгги 8 йилда мактабгача таълим қамрови 27 фоиздан 74 фоизга, олий таълим қамрови 9 фоиздан 38 фоизга оширилгани, янги мактаблар қурилиб, қўшимча 800 мингта ўқувчи ўрни яратилганини, келгуси 3-4 йилда мактабгача таълим қамровини камида 80 фоизга етказиш, 2025 йилдан бошлаб давлат-хусусий шериклик асосида ҳар йили 100 тадан янги мактабларни ишга тушириш режа қилинганини инобатга олсак, юртимизда бу борадаги ишлар чиндан ҳам янги босқичга чиқаётганини эътироф этиш мумкин.

Тадқиқотларда давлат томонидан таълим тизими учун ажратилаётган маблағларнинг 1 фоизга ортиши камбағалликни 0,03 фоизга қисқартириши мумкинлиги исботланган. Бундан кўринадики, бугунги кунда мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар доирасида таълимга жиддий аҳамият берилаётгани бежиз эмас. Бу камбағалликни камайтиришга қаратилган саъй-ҳаракатдир. Бир қарашда бугун мамлакатимизда янги боғча ёки мактаблар қурилиши, янги олий таълим муассасалари ташкил этилишининг камбағалликка дахли йўқдек туюлиши мумкин. Лекин пировардида бу ишлар барибир унга таъсир кўрсатади. Негаки, айтиб ўтганимиздек, билим камбағалликка йўл бермайди. Билимли инсон ҳаётда ўз ўрнини топиб олаверади.

Янги Ўзбекистонда инсон капиталини ривожлантириш ва таълим сифатини ошириш, жамият аъзоларига таълим хизматларининг ҳамма босқичларидан фойдаланиш имконияти берилаётгани бунинг учун Давлат бюджетидан маблағлар ажратилаётгани, ана шу мақсадларга мустаҳкам пойдевор яратаётгани билан аҳамиятлидир. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг 2015 — 2030 йилларга мўлжалланган Барқарор ривожланиш мақсадлари бўйича стратегиясида сифатли таълим олиш имконияти асосий устувор йўналиш сифатида белгиланган. Мазкур йўналишда амалга оширилаётган ишларда олий таълим қамровини яна кенгайтириш асосида камбағалликни қисқартириш масалаларига алоҳида эътибор берилмоқда.

Жаҳонда олий таълим қамровининг камбағалликни қисқартиришдаги аҳамияти, камбағалликни қисқартириш бўйича муваффақиятли стратегия ишлаб чиқиш, олий таълим муассасаси рақобатбардошлигини ошириш ҳамда халқаро ҳамкорликни ривожлантириш борасида илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу борада олий таълим муассасалари томонидан жамиятга етук мутахассисларни етказиб бериш билан бирга қўшимча даромад топиш имкониятлари яратиш ҳамда тайёрланаётган мутахассисларнинг мустақил қарор қабул қилиш ва фаолият олиб бориш кўникмаларини ривожлантириш илмий тадқиқотларнинг устувор йўналишларидан ҳисобланади.

Олий таълим камбағалликни бартараф этишнинг муҳим воситаларидан бири ҳисобланади ва республикамизда бунга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, бу борада Тошкент давлат иқтисодиёт университети томонидан ўзига хос амалиёт йўлга қўйилган. Яъни университет ҳузуридаги Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантиришнинг илмий асослари ва муаммолари илмий-тадқиқот маркази олимлари томонидан 2023 — 2025 йилларга мўлжалланган “Камбағалликни камайтириш ва аҳоли турмуш фаровонлигини оширишга қаратилган илмий ёндашувлар ишлаб чиқиш” номли фундаментал лойиҳа доирасида илмий тадқиқот ишлари амалга оширилмоқда. Жумладан, шу кунгача Тошкент вилоятининг Янгийўл, Ўрта Чирчиқ, Тошкент, Зангиота туманлари, Самарқанд вилоятининг Иштихон, Пастдарғом туманлари иқтисодий ўсиш драйверларини аниқлаш ва уларни ривожлантиришнинг “йўл хариталари”ни ишлаб чиқиш, маҳаллаларда аҳолининг камбағал қисмини қўшимча даромад манбалари билан таъминлашга оид илмий-амалий таклифлар маҳаллий ҳокимликларга тақдим этилди.

Шунингдек, бугунги кунда университетда Тошкент шаҳрини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш кенгаши тузилган бўлиб, унинг асосий вазифаси Тошкент шаҳар туманлари ва улардаги маҳаллаларда қўшимча иқтисодий имкониятларни илмий таҳлил қилиш асосида аниқ таклифлар ишлаб чиқишдан иборатдир. Шу мақсадда пойтахт ҳокимлиги билан биргаликда кенгаш таркиби тасдиқланди, аъзоларнинг сони ва таркиби шакллантирилди. Кенгаш фаолияти регламенти тасдиқланиб ҳар бир аъзонинг вазифалари, масъулияти белгилаб берилди. Кенгашнинг 2024 йилга мўлжалланган тармоқ жадвали ишлаб чиқилди. Ҳозиргача Сергели туманининг тадбиркорлик субъектлари учун ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишни модернизация қилиш, янги тармоқларни ўзлаштириш, ҳудуднинг иқтисодий салоҳиятини ошириш бўйича туман ҳокимлиги ва туманда жойлашган корхоналарнинг иқтисодий ва ижтимоий соҳалари ҳолати таҳлил қилинди. Маҳаллаларда аҳолининг камбағал қисми учун қўшимча даромад манбаларини топиш бўйича таклифлар ишлаб чиқилди.

Иқтисодий ўсишда таълим ва камбағаллик ўзаро боғлиқ. Чунки таълим инсонга куч беради. Уни фаолроқ бўлишга, ўз ҳаётини қатъий назорат қилишга, ишлашга ундайди.

Жаҳон банки таҳлилларига қараганда, кунига 2 доллардан кам маблағ топадиганлар камбағал ҳисобланади. Бошқача айтганда, агар инсон ойлик даромадининг ярмидан кўпини истеъмол товарларига сарфласа, демак у камбағаллар тоифасига киради. Борди-ю, мазкур кўрсаткичнинг фоиздаги пропорцияси ўзгарса, масалан, киши даромадининг 10 фоизини озиқ-овқатга сарфлаб, қолганини бошқа эҳтиёжларига йўналтирса, шу жумладан, банк депозити ёки бошқа кўринишдаги сармоя сифатида сақласа, бу вазият ўзгараётганидан дарак беради. Ўзбекистонда айни пайтда амалга оширилаётган ишлар бутун мазмун-моҳияти билан ана шу вазиятни ўзгартиришга қаратилган ва амалда ўз самарасини кўрсатяпти ҳам. Яъни бизда ҳар бир фуқаронинг яшаш шароитини яхшилаш, таълим ва тиббий хизматлар кўлами ва сифатини ошириш инсон қадрини улуғлашга катта эътибор қаратилган. Аҳоли замонавий касб-ҳунарларга ўргатилиб, иш ўринлари яратиляпти, тадбиркорлик фаол қўллаб-қувватланяпти. Тўпланган тажриба, билим ва салоҳият амалда ўз натижасини бермоқда. Янги қабул қилинган ҳужжатлар эса ишларни янада такомиллаштириб, янги босқичга кўтарилаётганини англатади. Камбағалликни фақат пул тарқатиш, нафақа тўлаш билан ҳал қилиб бўлмайди. Бунинг учун камбағал оила аъзоларини ўқитиш, касбга ўргатиш ва иш билан таъминлаш муҳим.

Очиғини айтиш керак, бутун жамият аъзоларини қувонтираётгани — камбағалликни қисқартириш масаласи янги Ўзбекистонда умуммиллий ҳаракатга айлангани. Тинчлик ва барқарорлик ҳукм сураётган юртимизнинг иқтисодий ва инвестициявий жозибадорлиги жаҳон майдонида кун сайин ошиб бормоқда, бу, ўз навбатида, камбағалликни янада қисқартириш борасида янгидан-янги имкониятларни ва истиқболли стратегияларни ишлаб чиқишда қўл келмоқда.

Тўлқин ТЕШАБОЕВ,
Тошкент давлат иқтисодиёт университети ректори, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор.

САНОАТЛАШГАН БОҒЛАРНИ БАРПО ЭТИШДА НАТИЖАДОРЛИК ВА КЕЛГУСИДАГИ РЕЖАЛАР

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлисида Қишлоқ хўжалиги вазири И. Абдураҳмоновнинг “Қишлоқ хўжалигида самарасиз боғлар ва бошқа экин ерлари ўрнида саноатлашган боғларни барпо этиш ҳамда қишлоқ хўжалиги соҳасини қўллаб-қувватлашда имтиёзли кредитлар ажратиш борасида амалга оширилаётган ишлар тўғрисида”ги ахбороти эшитилди.

Парламент эшитуви

Таъкидланганидек, кейинги йилларда мамлакатимизда аграр соҳани ривожлантириш, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, қулай агробизнес муҳитини яратиш ва инвестициявий жозибадорликни ошириш, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш бўйича тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, муҳим устувор йўналишлар ҳамда комплекс тадбирларни ўз ичига олган Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020 — 2030 йилларга мўлжалланган стратегияси қабул қилинди.

И. Абдураҳмоновнинг айтишича, бугунги кунда республика бўйича барча тоифада 358 минг гектар мевали боғлар мавжуд бўлиб, шундан 266 минг гектари фермер ва қишлоқ хўжалиги корхоналарида, 92 минг гектари аҳоли хонадонларида парваришланмоқда. 2024 йил давомида Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар кесимида 26,4 минг гектарда боғ барпо этиш режалаштирилиб, баҳор мавсумида 16,3 минг гектар майдонда янги боғларга асос солинди. Иқтисодий самарасиз ва яроқсиз бўлган 17,5 минг гектар боғлар реконструкция қилинган.

Ахборотда келтирилганидек, қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, ички бозорда нарх барқарорлигини таъминлаш, юқори қўшилган қиймат занжирини яратиш мақсадида давлат томонидан соҳага имтиёзли кредитлар мунтазам ажратиб келинмоқда. Хусусан, мева-сабзавотларни қайта ишловчи, сақловчи ва экспорт қилувчиларга ҳам имтиёзли кредитлар ажратилмоқда. Мисол учун, 2022 — 2024 йилларда мева-сабзавот етиштириш ва харид қилиш харажатларини молиялаштириш учун 1,3 трлн. сўм имтиёзли кредит маблағлари берилган.

Қишлоқ хўжалиги вазири келгусида амалга ошириладиган ишлар ҳақида ҳам батафсил ахборот берди.

Маълум қилинганидек, ҳудудларнинг тупроқ-иқлим шароитларини ҳисобга олиб, интенсив агротехнологияларни жорий этиш орқали йирик боғ-ток плантацияларига асос солинади. Шунингдек, боғлардан олинган маҳсулотларни агрологистика марказларида сақлаш, қайта ишлаш, қадоқлаш ва экспорт қилиш имконияти яратилиб, доимий 20 минг нафар ва мавсумий 100 минг нафар аҳоли бандлиги таъминланади. 2024-2025 йилларда мавжуд 43,2 минг самарасиз ҳамда эскирган боғлар ўрнига саноатлашган интенсив мевали боғ ва токзорлар барпо қилинади.

Шу билан бирга, фермерлар билан кластерлар ўртасида шартномавий режа ернинг норматив ҳосилдорлигидан келиб чиқиб белгиланади. 2025 йил сентябрдан бошлаб Италия, Франция, АҚШ, Испания, Португалия ва бошқа давлатларнинг илғор тажрибаларини ўрганган ҳолда республикада мева ва ток кўчатларини сертификатлаштириш тизими жорий этилади.

Мажлисда депутатлар соҳада эришилаётган ютуқларни алоҳида қайд этиб, жойларда фермер ва қишлоқ хўжалиги корхоналаридаги боғ-токзорлар ҳолати ўрганилганда 18,4 минг гектар боғ, 16,5 минг гектар токзорлар иқтисодий самарасиз ёки яроқсиз ҳолатга келиб қолганини танқид остига олишди.

Парламент эшитувида аҳоли даромадини ошириш, уларни иш билан таъминлаш, иш ўринлари яратиш мақсадида янги боғ ва узумзорларни 3 йил давомида парваришлаш ҳамда ташаббускорларнинг ишчи ва ходимларини ўргатиш шарти билан тайёр ҳолда топшириш борасидаги ишларни жадаллаштиришга қаратилган тавсиялар илгари сурилди.

Шунингдек, аграр соҳани ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги экинларини етиштиришда ресурстежамкор технологияларни қўллаш, тармоқда замонавий бошқариш тамойилларини жорий қилишга қаратилган бир қатор таклифлар берилди.

Мажлисда Қишлоқ хўжалиги вазирининг жавоби маълумот учун қабул қилиниб, кун тартибидаги масала юзасидан самарали парламент назоратини таъминлашга келишиб олинди.

«Халқ сўзи».

Рағбат

ФАХРИЙЛАР МЕҲНАТИНИНГ МУНОСИБ ЭЪТИРОФИ

Пойтахтимиздаги Ўзбекистон касаба уюшмалари саройида Ўзбекистон фахрийларининг ижтимоий фаолиятини қўллаб-қувватлаш “Нуроний” жамғармаси Васийлик кенгаши қарори билан мамлакатимиз тараққиёти, юрт равнақи, жамиятимиз ривожи йўлида фаол меҳнат қилаётган, бугунги кунда ҳам жамиятимиз ҳаётида фаол иштирок этиб, ибрат бўлаётган ёши улуғ юртдошларимизга “Меҳнат фахрийси” кўкрак нишонини тантанали топшириш маросими бўлиб ўтди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчиси М. Комилов, “Нуроний” жамғармаси республика бошқаруви раиси, Ўзбекистон Қаҳрамони, сенатор С. Турдиев, жамғарма бошқаруви раисининг биринчи ўринбосари Ш. Убайдуллаев сўзга чиқиб, давлатимиз томонидан кекса авлод вакилларига кўрсатилаётган ҳурмат-эҳтиром, уларнинг саломатлигини асраш, ҳаётини мазмунли ўтказиш борасида ғамхўрликлар давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланганини таъкидлади.

Айтиш жоизки, Президентимизнинг тегишли Фармони ва қарори асосида ҳар йили “Нуроний” жамғармаси Васийлик кенгаши томонидан узоқ ва самарали меҳнат қилган, эл-юртимиз равнақига муносиб ҳисса қўшган юртдошларимиз “Меҳнат фахрийси” кўкрак нишони билан тақдирлаб келинмоқда.

Жорий йилда ҳам турли соҳа вакиллари, шу жумладан, профессор-ўқитувчилар, олимлар, тиббиёт, халқ таълими, қишлоқ хўжалиги, маданият ва санъат соҳалари вакилларидан бир гуруҳи “Меҳнат фахрийси” кўкрак нишони билан тақдирланди.

Тантанали тақдирлаш маросимида жамиятимизнинг фаол фахрийлари — олимлар, академиклар, илм-фан, адабиёт, маданият, спорт, санъат, соғлиқни сақлаш, халқ хўжалиги соҳалари фидойилари, шунингдек, Президент Администрацияси, Вазирлар Маҳкамаси, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси фахрийларига “Меҳнат фахрийси” кўкрак нишони топширилди.

“Меҳнат фахрийси” кўкрак нишони билан тақдирланган Тошкент педиатрия тиббиёт институти академик лицейи директори Ортиқбой Ишанқулов мамлакатимизда қарийб юз нафар иқтидорли ёшларнинг фан олимпиадаларида фаол қатнашиб, олтин, кумуш, бронза медалларига сазовор бўлиши, эллик нафардан ортиқ ёшларнинг диплом ва сертификат билан тақдирланишига муносиб ҳисса қўшган.

— Президентимизнинг биз, нуронийларга кўрсатаётган улкан эътиборидан ғоят мамнунмиз, — деди О. Ишанқулов. — Бундай савобли юмушлар бизни ёшлар таълим-тарбиясига янада кўпроқ масъулият билан ёндашишга чорлайди.

Тантанали тадбирда санъат усталари иштирокида катта концерт дастури намойиш этилди.

Моҳинур КОМИЛОВА,
«Нуроний» жамғармаси матбуот котиби.

Давлат тилига эҳтиром ва садоқатни ҳаётимиз қоидасига айлантиришимиз лозим

1



Ушбу Фармон билан 21 октябрь — Ўзбек тили байрами куни, деб белгиланди. Вазирлар Маҳкамаси тузилмасида ташкил этилган Давлат тилини ривожлантириш департаменти ўзбек тилининг нуфузи ва мақомини юксалтириш, халқимиз ижтимоий ҳаётида ҳамда халқаро миқёсдаги обрў-эътиборини тубдан оширишга имкон яратди.

Юртимизда тил масаласида олиб борилаётган давлат сиёсати инсон қадрини улуғлашга қаратилган туб ислоҳотларга ҳар томонлама уйғун ва ҳамоҳангдир.

Кейинги йилларда ўзбек тилини чуқур ўрганиш ва ўргатишга хизмат қиладиган кўплаб китоблар, жумладан, луғатлар нашр этилмоқда. Қолаверса, чет эл фуқаролари ва юртдошларимизга ўзбек тилини ўргатадиган онлайн платформа, ўзбек тили изоҳли луғатининг мобиль иловаси, хориждаги ватандошларимиз учун махсус веб-сайт яратилди.

Алоҳида қайд этиш жоизки, Ўзбекистоннинг Туркий давлатлар ташкилотига аъзо бўлгани тузилма доирасида иқтисодий алоқаларни кучайтириш билан бирга, ўзбек тилининг халқаро нуфузини оширишга хизмат ҳам қилаётир. Мамлакатимиз ташаббуси билан мазкур ташкилотнинг Алишер Навоий номидаги халқаро мукофоти таъсис этилгани ҳам фикримиз исботидир.

Ушбу йўналишдаги изчил ислоҳотлар натижасида бугун ўзбек мумтоз ва замонавий адабиётининг сара намуналари хорижий тилларга таржима қилиниб, чет эллик китобхонларнинг ҳам эътиборини қозонмоқда. Асосийси, истеъдодли олим ва ижодкорларимиз қаламига мансуб илмий ва бадиий асарлар нуфузли халқаро мукофотларга сазовор бўляпти.

Бундан ташқари, мамлакатимизда ўзбек тили ва адабиёти йўналишида олий маълумотли кадрлар тайёрлаш ҳажми ҳамда илмий тадқиқотлар сони ортиб бормоқда. Ҳозирги кунда жами 33 та олийгоҳда ушбу мутахассислик бўйича кадрлар тайёрланмоқда. Олий таълим муассасаларида 7 минг нафардан зиёд фан номзодлари ва докторлари, профессор-ўқитувчилар ўзбек тили ва адабиётидан дарс беряпти.

Она тилимиз сўзлашувчилар сони кўплигича кўра, сайёрамизда энг кенг тарқалган 40 та тилдан бири эканини ҳам алоҳида таъкидлаш жоиз. Айни пайтда Ер юзида ўзбек тилида сўзлашувчилар сони қарийб 50 миллион кишини ташкил этиши эса унинг дунёдаги йирик тиллардан бирига айланиб бораётганини англатади. Ўз навбатида, кўплаб мамлакатларда бу гўзал ва жозибали тил катта иштиёқ билан ўрганилмоқда.

Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 18 сентябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Атамалар комиссияси фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ўзбек тилини янада ривожлантириш борасида бошланган тарихий ишларнинг мантиқий давоми бўлди.

Юртимизда оқилона ва холислик билан амалга оширилаётган тил сиёсати барча демократик тамойилларга мос келади. Мамлакатимизнинг Асосий Қонуни — Конституциямизнинг ўзбек тилида яратилиши унинг нуфузини янада кўтарди. Юртимиз бўйлаб ва халқаро майдонларда она тилимизда янграётган Давлат мадҳияси ҳам қалбларимизда Ватан туйғусини жўш урдиради. Ўзбек тилининг давлат тили сифатида сиёсий-ҳуқуқий, иқтисодий-ижтимоий, маънавий-маърифий ҳаётимизда фаол қўлланиши, халқаро минбарларда баралла янграши, шубҳасиз, давлатимиз томонидан миллий тилимизга қаратилган ҳақиқий эътибор самарасидир.

Албатта, мамлакатимизда ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан оширишга бу даражада катта эътибор қаратилаётгани бежиз эмас. Чунки тил — миллатнинг маънавий бойлиги. Шу жиҳатдан барчамиз давлат тилини асраб-авайлаш ва бойитиш, унинг халқаро нуфузини муносиб даражага кўтаришга ўз ҳиссамизни қўшишимиз керак. Зеро, бу шу юртда яшайдиган ҳар бир фуқарога бевосита дахлдор бўлган умуммиллий масаладир.

Президентимиз таъкидлаганидек, ҳар биримиз давлат тилига бўлган эътиборни мустақилликка бўлган эътибор деб, давлат тилига эҳтиром ва садоқатни она Ватанга эҳтиром ва садоқат деб билишимиз, шундай қарашни ҳаётимиз қоидасига айлантиришимиз лозим.

Шаҳноза ХОЛМАҲАМАТОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси аъзоси.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1042. 12 718 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-259-74-51; котибият 71-259-74-53;
эълонлар 71-259-74-45.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100066,
Тошкент шаҳри,
Ислом Каримов кўчаси, 55-уй.

Навбатчи муҳаррир — С. Мамиров.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 23.45 Топширилди — 00.30 1 2 3 4 5 6